

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1532-ҳадис

1532/3813 – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رُؤْيَا عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَصَصْتُهَا عَلَيْهِ، وَرَأَيْتُ كَأَنِّي فِي رَوْضَةٍ - دَكَرَ مِنْ سَعَتِهَا وَحُضْرَتِهَا - وَسَطَهَا عَمُودٌ مِنْ حَدِيدٍ، أَسْفَلُهُ فِي الْأَرْضِ وَأَعْلَاهُ فِي السَّمَاءِ، فِي أَعْلَاهُ عُرْوَةٌ، فَقِيلَ لِي: ارْقَهُ، قُلْتُ: لَا أَسْتَطِيعُ، فَأَتَانِي مِنْصَفٌ فَرَفَعَ ثِيَابِي مِنْ خَلْفِي، فَرَقَيْتُ حَتَّى كُنْتُ فِي أَعْلَاهَا، فَأَخَذْتُ بِالْعُرْوَةِ، فَقِيلَ لِي: اسْتَمْسِكْ. فَاسْتَيْقِظْتُ وَإِنَّمَا لَفِي يَدِي، فَقَصَصْتُهَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: تِلْكَ الرَّوْضَةُ الْإِسْلَامُ، وَذَلِكَ الْعَمُودُ عَمُودُ الْإِسْلَامِ، وَتِلْكَ الْعُرْوَةُ عُرْوَةُ الْوُتْقَى، فَأَنْتَ عَلَى الْإِسْلَامِ حَتَّى تَمُوتَ.

1532.3813. Қайс ибн Убоддан ривоят қилинади:

«Мадина масжидида ўтирган эдим. Бир киши кириб келди. Юзида хушў асари бор эди. «Бу киши жаннат аҳлидан», дейишди. У қисқагина қилиб икки ракат намоз ўқиди-да, кейин (масжиддан) чиқиб кетди. Мен унинг ортидан бориб: «Сен масжидга кириб келганингда: «Бу киши жаннат аҳлидан», дейишди-я?» дедим. У шундай деди: «Аллоҳга қасамки, ҳеч ким ўзи билмаган нарсани гапирмаслиги керак. Энди ўша(гап)нинг сабабини сенга айтиб бераман. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бир туш кўриб, уни у зотга ҳикоя қилиб бердим. Тушимда бир боғда эканман – унинг бепоёнлиги ва ям-яшиллигини айтди, – унинг ўртасида бир темир устун бўлиб, унинг таги ерда, тепаси осмонда экан, тепасида бир тутқич бор экан. Менга: «Унга чиқ!» дейилди. «Чиқолмайман», дедим. Шунда бир қарол келиб, ортимдан туриб кийимимдан кўтариб қўйди. Мен унинг тепасигача чиқиб, ҳалиги тутқични ушладим. Шунда менга: «Уни маҳкам тут!» дейилди. Мен тутқични ушлаган ҳолда уйғониб кетдим. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берган эдим, у зот: «Ўша боғ – Ислом, ҳалиги устун – Ислом устун, ўша тутқич эса «мустаҳкам тутқич»дир. Сен ўлгунигга қадар Исломда бўласан»,\* дедилар». Ўша киши Абдуллоҳ ибн Салом экан».

Бошқа ривоятда «минсаф» («қарол») ўрнига «васиф» («чокар») дейилган.\*

**Изоҳ:** Бу ерда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳунинг тушларини таъбир қилмоқдалар. «Мустаҳкам тутқич» деган ибора Бақара сурасининг 256-оятидан олинган бўлиб, кўпчилик уни «иймон» деб изоҳлаган. Мазкур оятда шундай дейилади: **«Батаҳқиқ, тўғрилик эгриликдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, ҳақиқатан ҳам, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлабди».**

\* Бу сўзлар аслида маънодош сўзлар бўлиб, бир-бирини изоҳлаб келади. Буни таржимада ҳам ифодалашга ҳаракат қилинди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

